ТИЛ ВА НУТҚ ОППОЗИЦИЯСИ АСОСИДА ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАРНИ СИСТЕМ ЎРГАНИШ

Д.Ўринбоева

Статья посвящена системному изучению лингвистических единиц с оппозиции языка и речи.
The article is dedicated to the system learning of language unites by of language and speech opposition.

Маълумки, XX аср тилшунослиги номини олган систем тилшуносликнинг асосини тил ва нутқ оппозицияси ташкил этади. Тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаб ўрганишни VIII-IX асрлардаги араб тилшунослигининг тил ўрганиш усулларида, В.Гумбольтнинг тилдаги «энергео» (ҳаракат, жараён, куч) ва «эргон» (маҳсулот), Г.Штейнталнинг тилдаги барқарор моҳият ва «ҳаракатдаги кучлар», Бодуэн де Куртенэнинг «тилдаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик» ҳақидаги таълимотларида учратамиз.

Тил тизимида умумлаштириш хусусиятига эга бўлган бирликларнинг турли-туман маъноси матнда, яъни аниқ нутқда намоён бўлади. Тил тизими тилнинг ҳозирги даврида мавжуд бўлган лексик ва грамматик бирликларни умумлаштириб акс эттирувчи ва статистик хабар тўплаш тизимидир. Шу билан бирга у ҳар бир матнда мавжуд бўлган бирликларни лексик, грамматик система сифатида чегаралаб беради. Ана шу асосда нутқий тизим доирасига ўтган лексик ва грамматик бирликлар белгиланади ҳамда нутқнинг ўзига хос бирликлари аниқланади.

Тил ва нутқ оппозициясидан келиб чиқиб, нутқ фаолияти қуйидаги уч таркибий қисмдан иборат: 1) тил; 2) сўзлаш қобилияти (тилдан фойдаланиш малакаси ва кўникмаси); 3) нутқ.

Тил билан нутқ бир-бирини шартлайдиган, бири иккинчисини вужудга келтирадиган, бирисиз иккинчиси тўғрисида гапириб бўлмайдиган воқеликдир. Тил қобилияти шахснинг ақлий фаолият тури бўлиб, у тил ўрганиш ва тил қўллаш компонентларидан иборат. Киши тил ўрганишда нутқ-тил, тил қўллашда эса тил-нутқ тизмаси билан иш кўради. Тил ва нутқнинг қарама-қарши хусусиятлари ҳам мавжуд:

Тил турли хил бирликлар орасидаги барқарор муносабатнинг мажмуи бўлса, нутқ эса шу мажмуга оид бирликлардан фойдаланиб, айрим коммуникатив мақсадлар учун ҳосил қилинган қурилмалар ва уларнинг функционал реализациясидир.

Тил бирликлари парадигматик, нутқ бирликлари синтагматик боғланишда яшайди. Икки ва ундан ортиқ тил бирлигининг бир парадигма қаторида бирлашиши учун улар орасида субстанция ва маъно томонидан маълум ўхшашлик, фарқ, зиддият бўлиши шарт.

Тил тизими фонема, лексема, морфема, сўз бирикмаси ва гап каби тил бирликларига оид бўлган кичик тизимларнинг ўзаро ташкил этувчанлик роли асосидаги боғланишидан вужудга келади. Нутқ тизими эса турли типдаги кичик тил тизимларидан танлаб олинган бирликлар ёрдамида ҳосил қилинадиган, шахсий коммуникатив мақсад учун хизмат қилиб, ўзининг физик, моддий кўламига эга бўлган ҳосилалар билан иш кўради.

Тил бирликлари умумийлик ва моҳиятни инвариантларда, нисбатан ўзгармас барқарорликда, нутқ бирликлари эса вариантларда, хусусий кўринишларда акс эттиради.

Тил имконият бўлиб, нутқ шу имкониятнинг маълум даражада юзага чиқарилишидир. Натижада бир тил материали асосида турли хил услублар шаклланади.

Тил бирликларига аввалдан барқарорлик, доимийлик ва мажбурийлик хусусияти, нутқ бирликларига эса беқарорлик, вақтинчалик ва эркинлик хусусияти хосдир.

Тил учун умумийлик, имконият, тайёрлик, мажбурийлик, бирликлари чегараланганлик хос бўлса, нутқ учун эса хусусийлик, воқелик, ҳосилалик, ихтиёрийлик, бирликлари чегараланмаганлик хосдир [1].

Демак, тил имконият бўлиб, нутқ шу имкониятнинг юзага чиқарилиши саналади. Нутқ тизими қолипининг тузилиши ҳақида фикр юритганда икки вазифани ҳал қилиш лозим бўлади. Биринчидан, нутқ тизими тушунчасини таърифлаш ва тавсифлаш учун унинг онтологияси билан

алоқадор хусусиятларини аниқлаш. Иккинчидан, ҳозирги тилшуносликда нутқ тизими тушунчасининг назарий ва технологик таҳлилини кўздан кечиришдан иборат.

Тил ва нутқ тизими дихотомияси эксплицит тарзда уларга хос бирликларни назарий ҳамда амалий фарқлаш; тил ва нутқ бирликларининг моҳиятини очиш йўллари ҳақида Ф. де Соссюр томонидан баён қилинган фикрлар ҳозирги тилшуносликда турлича шарҳланади ва шарҳланмоқда. Жумладан, ўзаро тўлдиришга хизмат қилувчи шаклий қолип [2], ядровий қурилма ва унинг трансформацияси [3], компетенция ва перформация [4], грамматик бошқарув ва боғлаш [5], чуқур ва юзаки келишик [6], нофаол ва фаол грамматика [7], тил-langue ва дискурс-discours [8], статистик ва динамик синтаксис [9], код ва хабар [10], тил тизим сифатида ва гапириш жараёни сифатида [11], оддий ва экспрессив тил [12], нутқий фаолият маҳсулотининг умумий йиғиндиси ва конкрет матн [13], тил фаолият йиғиндиси эмас, фаолиятнинг ўзидир, нутқ ҳамма вақт маълум мақсадга йўналтирилган ва вазиятга боғлиқдир [14] каби турли қарашлар ифодаланган.

Санаб ўтилган қарашларда тил тизими объектив борлиқ ҳақидаги тушунчаларни умумлаштирувчи бирликлар тизимидир. Ушбу фикр Ф.де Соссюрнинг машҳур тезисига асосланган [15,52]. Тил тизимининг бирликлари тушунчанинг маълум белгиларини қамраб олади ва у бирор тил кодига мос тушади. Ҳар бир тил кодига бир умумлашма тил маъноси тўғри келади. Ҳар бир тушунча майдони орқали тил коди маъносининг ҳажми белгиланади. Тушунча майдонининг умумлаштириш хусусияти асосида лексик ёки грамматик бирликларнинг тил тизимида сақланувчи умумий ва хусусий маънолари аниқ нутқ (матн)да аниқланади. Шундай экан, тил тизими ҳозирги даврда мавжуд бўлган лексик ва грамматик ахборотларни статистик сақлаш тизимидир. Ушбу ахборот статистик ва умумлашган ҳолатда, ҳаракатдаги динамик тизим ўз аксини топиши мумкин. Ҳар бир матнда систем-грамматик ва систем-лексик бирликларни танлаш имконияти яратилади. Тил тизимини рўёбга чиқаришда аниқ лексик ва грамматик бирликлар танланади.

Нутқ тизими шундай белгилар категориясики, улар семантик ва грамматик алоқа ҳамда қоидалар асосида нутқ (матн)да бирлашган фаол маъноларни ифодалайди. Нутқ тизими таянадиган асосий белгилар қуйидагилар: морф, ўзак тарзидаги сўз шакли, сўз бирикмаси, гап.

Натижада бир тил материали асосида турли услублар шаклланади. Ана шундай услублардан бири халқ оғзаки ижоди асарлари услубидир. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилини тил ва нутқ оппозицияси нуқтаи назардан ўрганиш энг долзарб масалалардандир.

Демак, тилнинг онтологияси, вазифаси, тараққиётини ўрганиш – инсониятнинг фикри ва мавжудлигининг барча сатҳларини ўрганишдир. Тил фақатгина алоқа воситаси эмас, тил маълум бир белгилар системаси (семиотика) орқали кишиларга нима ҳақидадир хабар, ахборот бериш воситаси ҳамдир. Тилни система сифатида тушуниш классик тилшуносликда баҳсталаб қилинмайдиган ҳақиқатга айланган. Аммо тил/нутқнинг тадқиқида систем тамойилларга ёндашув замон тилшунослигининг методологик асосини ташкил этади. Тилнинг идеал система эканлиги унинг унсурлари ўртасида доимий ва кўп томонлама ўзаро алоқалар мавжуд бўлишини тақозо қилади [17]. Тил/нутқ (макросистема) таркибида микросистемалар мавжудки, улар алоҳида парадигмаларни ташкил этиб, ўзаро мураккаб муносабатларнинг жами сифатида зоҳир бўлади.

Тил/нутқ – макросистемалар ичидаги микросистема компонентларининг ўзаро алоқаси, мураккабдан оддийга, оддийдан мураккабга, тартибдан тартибсизлик (хаос)га, хаосдан тартибга ўтиш, деб тушуниш мумкин.

Бундай талқин:

- макросистема ичидаги микросистеманинг унсурлари доимий алоқада бўлишини;
- мазкур алоқалар системаларга таъсир этувчи ташқи факторларнинг ёрдамида юз беришини;
- макросистеманинг моддий субстанцияси бўлмиш инсон онги – динамик-синергетик жараён моҳиятини очишни;
- матн тилнинг ҳосила системаси бўлмиш нутқда ассоциатив муносабатларга киришини шарт қилиб қўяди.

Хуллас, тил ва нутқ оппозицияси асосида лисоний бирликларни систем ўрганиш имконияти яратилар экан, у очиқ характердаги ўз-ўзини ташкил қилувчи система сифатида тадқиқ қилишга йўл очади. Шу жараёнда синергетик тамойил ҳам қўл келади.

Адабиётлар:

1. Ўринбоев Б. Тилшунослик назарияси. – Самарқанд, 2004.
2. Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи. (пер.с анг.) –М: Соцэкгиз, 1934, -222 с.

3. Харрис З.С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре. // Новое в лингвистике. – Вып. 2. –М: ИИЛ, 1962.-С.-528-636.
4. Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса. – М: МГУ, 1972.-259 с.
5. Chomsky N. Barriers. -Cambridge, MA: MIT Press, 1986.- 217c.
6. Филлмор Ч. Дело о падеже открывается вновь. (пер. с анг.) // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. X. Лингвистическая семантика. – М: Прогресс, 1981.-С.496-530.
7. Есперсен О. Философия грамматики. (пер.с анг.) – М: ИИЛ, 1985.-404 с.
8. Гийом Г. Принципы теоретической лингвистики. (пер.с фр.) –М: Прогресс-Культура, 1982.- 218 с.
9. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. – М: Прогресс, 1988. – 487 с.
10. Мартин Д. Организация баз данных в вычислительных системах. (пер.с анг.) –М: Мир, 1978. –616 с.
11. Щерба Л.В. О трояком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкознании. // Л.В.Щерба. Языковая система и речевая деятельность. – Л: Наука ЛО, 1974.-С.24-39.
12. Шаумян С.К. Аппликативная грамматика как семантическая теория естественных языков. –М: Наука, 1974.- 203 с.
13. Herdan G. Language as choice. – Grningen: Noordhoff, 1966. – 356 p.
14. Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. – М, 1978, -248 с.
15. Соссюр. Курс общей лингвистики (пер с фр.) // Фердинанд де Соссюр. Труды по языкознанию.- М: Прогресс, 1977. –с. 52.
16. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари. - Тошкент, 2006, 16-бет.

ЎзР ФА Самарқанд бўлими,
2009 йил 5 октябрда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)